
Мутахассислар огоҳлантиради

БЕДАВО, ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИНГ!

Ушбу касаллик одамларга асосан қутурган итлар ва мушукларнинг, шунингдек, ёввойи хайвонларнинг (бўри, чиябўри, тулки ва бошқалар) тишлаши ёхуд тирнаши, сўлакраниши натижасида юқади.

Касалликни қўзғатувчиси нерв тизимини шикастлантирувчи вируслар ҳисобланади. Вируслар кўплаб миқдорда қутириш касаллигига чалинган хайвонларнинг сўлаги билан ташқи муҳитга ажралади. Сўлакда вируслар касалликнинг яширин яъни касаллик белгилари юзага чиқмаган даврдан мавжуд бўлади.

Мамлакатимизда одам учун касалликнинг етакчи манбаи итлар ҳисобланади. Охириги йилларда қутириш касаллигига чалинган одамларнинг 90-95 фоизи итлардан касалланган. Қутурган итда касаллик аломатлари рўёбга чиқишида ўн кун олдин, яъни касаллик яширин даврининг охириги ўн кунда ҳамда касаллик бошланганидан токи ўлгунга қадар юқумлик ҳисобланади.

Бугунги кунгача қутириш касаллигининг даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Қутириш касаллиги жуда оғир кечиб, касаллик 100 фоиз ўлим билан тугалланади.

Қутириш касаллигини олдини олишда, хайвонларни, айниқса итларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Минг афсус билан таъкидлаш жоизки, аксарият фуқароларимиз ит сақлаш қоидаларига риоя қилмайди, итларни ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиб, қутириш касаллигига қарши эмлатишмайди.

Ота-оналар болаларни итлар билан, айниқса кўчадаги дайди, қаровсиз итлар билан ўйнашларига, уларни уйга олиб киришларига зинҳор йўл қўймасликлари керак.

Агар борди-ю ит, мушиқ тишласа, сулаги тегса ёки тирнаса, жароҳатнинг катта кичиклигидан катъий назар, зудлик билан шифокорга учранг, зеро эътиборсизлик ва лоқайдлик сўнги пушаймонга айланмасин.

М.СИДИҚОВ,

туман СЭО ва ЖСБ бош врач.

С.МАҲМУДОВ,

туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

С.УМАРОВ,

ФВБ туман бўлими бошлиғи.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-02-04 16:32:21